

## “Е-ТРАНЗИТ” АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН АХБОРОТ ТИЗИМИНИНГ БОЖХОНА ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

**Хамраев Миръзам Мирахматович**

*Божхона институти Қайта тайёрлаш ва малака ошириш факультети  
бошлиғи*

**Аннотация:** Ушбу мақолада “е-Транзит” автоматлаштирилган ахборот тизимининг мақсади ва вазифалари, ахборот тизимининг умумий функциялари, тизим тузилмаси ва функциялари ҳамда бу борадаги хориж тажрибасини қўллаш масалалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** Транзит, транзит декларацияси, Божхона органларининг ЯААТ тизими, “е-Транзит” автоматлаштирилган ахборот тизими.

Бугунги кунда божхона ташкилотлари ўртасида электрон ахборот алмашиш божхона тизимидаги энг муҳим чора-тадбирлардан бири бўлиб, бу Марказий Осиё давлатлари ўртасида товарларнинг халқаро ҳаракати, чегаралардан тезкор ўтиш ҳамда божхона назоратини соддалаштириш борасида ҳамкорликни кучайтиришга хизмат қилади. Бунда минтақа давлатларининг қонун ҳужжатларини ўзаро мувофиқлаштириш энг муҳим босқич ҳисобланади.

Божхона назоратини енгиллаштириш ва тезлаштириш, хавфлар таҳлили ва кафолатланган назоратга эришиш учун компьютерлашган транзит жараёнини яратиш лозим бўлади. Мазкур жараёнда транзит ҳақида маълумот божхонага электрон тарзда тушади, шунингдек, божхона ташкилотлари ва иқтисодий операторлар ўртасида электрон маълумот алмашишга шароит яратилади.

Божхона транзитининг тушунчаси, мазмун -моҳияти ва бу борадаги замонавий илмий ёндашувлар транзит билан боғлиқ бўлган жараёнларни такомиллаштиришга олиб келади. Ҳуқуқий адабиётларда божхона транзити асосан божхона логистикаси билан уйғун ҳолатда келтирилган. Божхона транзити божхона органлари фаолиятининг бир қисми бўлиб, божхонанинг назорат билан боғлиқ вазифалари жумласига киради.

Транзит сўзи латинча “Transitus” сўзидан олинган бўлиб, “ўтиш, ўтиш жойи” деган маънони англатади ҳамда улар устидан божхона назорати Ўзбекистон Республикасида транзит декларацияси ёрдамида амалга оширилиб келинмоқда. Миллий божхона қонунчилигига асосан божхона транзит шундай режимки, бунда товарлар Ўзбекистон Республикасининг икки божхона органи ўртасида, шу жумладан чет давлат ҳудуди орқали бож, солиқлар ундирилмасдан, шунингдек товарларга нисбатан иқтисодий сиёсат чоралари

қўлланмасдан божхона назорати остида олиб ўтилади шунингдек товарларни божхона транзит режимида Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб ўтиш божхона органининг рухсати билан исталган йўллар ва йўналишлар бўйича амалга оширилади.

Қайси божхона органи фаолият кўрсатиш зонасида товарларни божхона назорати остида ташиш бошланадиган бўлса, ўша божхона органи жўнатувчи божхона органи ҳисобланади.

Қайси божхона органи фаолият кўрсатиш зонасида товарларни божхона назорати остида ташиш тугалланадиган бўлса, ўша божхона органи товар келиб тушадиган божхона органи деб қаралади.

Божхона транзити товарларнинг трансчегаравий ҳаракати тизими занжирида энг муҳим таркибий ҳалқалардан бири бўлиб, товарларни жўнатувчидан то қабул қилувчигача ўтказиб бериш жараёни хавфсизликни таъминлаш ва божхона қонунчилиги бузилиши хавфини бартараф этиш мақсадида белгиланган аниқ божхона қоидаларига риоя қилишни назарда тутди. Одатда, мазкур қоидаларни амалга ошириш учун тартиб-тамойилларни уйғунлаштириш ва товарлар транзити шартларини осонлаштиришга қаратилган турли хилдаги миллий ҳамда халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилади.

Маълумки, Жаҳон божхона Ташкилотининг 2005 йил 23 июндаги сессиясида барча аъзолари томонидан қабул қилинган “Глобал савдони енгилаштириш ва хавфсизлигини таъминлашнинг ҳадли стандартлари”<sup>63</sup> (Framework Standards for Secure and Facilitating Global Trade) икки асосий устунга таянади: а) бошқа мамлакатлар божхона маъмуриятлари билан ҳамкорлик; б) божхона хизмати ва бизнес ҳамжамияти ўртасидаги ҳамкорлик.

Айнан ана шу халқаро стандартларни миллий амалиётга жорий қилиш юзасидан 2022 йил 27 апрель куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-122-сон Фармони билан “Божхона маъмуриятчилигини янги босқичга олиб чиқиш, божхона ва юк операцияларини рақамли трансформация қилиш орқали инсон омилини кескин қисқартириш, божхона соҳасини очиқлик, шаффофлик ҳамда ишончлилик тамойиллари асосида коррупциядан ҳоли тизимга айлантириш”<sup>64</sup> асосий мақсад қилиб қўйилган бўлиб, фармонининг 2-илоvasи билан 62 та банддан иборат “Йўл харита”си тасдиқланган.

“Йўл харита”сининг 22 - банди билан “Республикага кириб келаётган транспорт воситаларига тегишли маълумотларни, шунингдек, чегара ўтказиш пунктларида тўланиши лозим бўлган йиғимларни олдиндан автоматик

<sup>63</sup><https://www.wcoomd.org/>

<sup>64</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.04.2022 й., 06/22/122/0396-сон; 28.07.2023 й., 06/23/117/0530-сон.

ҳисоблаш ва тўлаш жараёнларини рақамлаштириш” ҳамда «е-Транзит» тизимнинг мобил иловасини яратиш ва унинг 41-банди билан “Темир йўл транспортида ташиладиган товарлар бўйича дастлабки маълумотларни электрон равишда божхона органларига тақдим этиш тартибини йўлга қўйиш белгиланган.

“Е-Транзит” автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқишда ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, божхона транзитини самарали ташкил этиш халқаро савдо товарларини етказиб беришнинг бутун занжири бўйлаб барча мамлакатлар божхона хизматларини рақамлаштириш ва ахборот алмашишини тақозо этади.

Мисол учун, Европа Иттифоқида Янги Компьютерлаштирилган Транзит Тизимини (New Computerised Transit System - NCTS) жорий қилинган бўлиб, у 2006 йил 1 апрелдан бошлаб барча ваколатли юк ташувчилар учун ундан фойдаланиш мажбурий ҳисобланади. Бундан ташқари, Исландия, Лихтенштейн, Норвегия, Швейцария, Туркия ва Шимолий Македония каби Европа эркин савдо уюшмаси мамлакатлари ушбу тизимга уланган.

Марказий Америкада эса транзитни назорат қилиш учун ТИМ- Халқаро товарлар транзити (испанча: Tránsito Internacional de Mercancías) тизими жорий қилинган. Ушбу тизимдан Мексика, Никарагуа, Гондурас, Салвадор, Гватемала, Коста-Рика ва Панамада ҳам фойдаланилади.

Шарқий Африка жамиятида транзит юкларни назорат қилиш учун Уганда, Руанда, Бурунди, Жанубий Судан ва Конго Демократик Республикаси мамлакатларини бирлаштирган RECTS (Regional Electronic Cargo Tracking System) тизими амалиётга жорий этилган.

Камбоджа, Лаос, Малайзия, Сингапур, Таиланд ва Ветнамда муваффақиятли синовлардан сўнг, АСЕАН Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари учун 2020 йил 30 ноябрда ACTS (АСЕАН transit system) транзит тизими фойдаланишга топширилган.

Кўшни давлат ҳисобланган Россия Федерациясида АС КТТ-2, УАИС ТО, КПС «Транзитные операции», КПС «Совершение операций», АС "ПП" каби транзит юкларни кузатиш учун бир нечта тизимлар қўлланилади.

Юқорида келтирилган транзит ахборот тизимларининг ютуқлари юртимизда “е-Транзит” автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқишда кенг фойдаланилди ҳамда таҳлиллар натижасида хориж тажрибасида ҳам бир қатор тафовутлар борлиги аниқланилди. Хусусан, Европа Иттифоқининг NCTS ахборот тизимидан фойдаланадиган ҳар бир мамлакат учун алоҳида техник хизмат кўрсатувчи қисмлардан иборат ноёб архитектурага мавжуд. Ҳар бир мамлакат учун NCTS хизмати Брюсселдаги Марказий сервер орқали NCTS аъзо мамлакатларнинг барча хизматлари тизимлари билан боғлана олади. Бу 3000 дан ортиқ бўлган ва охир-оқибат қоғоз ҳужжатлар

орқали бошқариш тизимини йўқотадиган Европа божхона идоралари ўртасидаги ахборот алмашишни таъминлайди. NCTS дан фойдаланмоқчи бўлган ташқи иқтисодий фаолият иштирокчисининг ихтиёрида ўз мамлакатининг NCTS хизматига хабарларни юбориш ёки қабул қилиш учун зарур воситалар бўлиши талаб этилади. NCTS доирасида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиси божхона органларига маълум бир товар тўғрисида маълумотларни у божхона чегараси орқали ўтиши тўғрисида бир марта ва фақат бир марта хабар беради. Бир неча дақиқадан сўнг эса ушбу маълумотлар ташиш пайтида унинг юклари кесиб ўтадиган барча давлатлар божхона органларига тақдим этилади.

Мамлакатимизда жорий қилинган “Авто” ягона автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда - ЯААТ) архитектурасининг NCTS архитектурасидан яққол фарқ қилувчи элементларидан бири бу ташқи домен



1-расм. “Авто” ЯААТдаги алгоритмнинг кўриниши.

элементларининг мавжуд эмаслиги ҳисобланади. Бу фарқ “Авто” ЯААТ<sup>65</sup>нинг амалда муваффақиятли қўлланилишига сезиларли таъсир қилади(1-2-расм).



<sup>65</sup> Божхона органларининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими.

2-расм. “Авто” ЯААТ дастуридаги ҳаракат.

Юқоридаги таҳлил ва ўрганишларни ҳисобга олган ҳолда “е-Транзит” автоматлаштирилган ахборот тизими транспорт воситаларида ташилаётган ташқи савдо юкларини ягона шаклдаги ҳужжат билан назорат қилиш имкониятини яратиш; ТИФ қатнашчилари томонидан ташқи савдо юклари божхона чегарасига кириб келишидан олдиндан бериладиган маълумотлар ҳамда “Вақтинча” сақлаш божхона режимига БЮДларни тақдим этишни ўрнига ягона “Транзит декларациясини” тақдим этиш орқали тадбиркорларни вақти ва харажатларни қисқартириш; Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тартибида олиб ўтиладиган чет эл товарларининг чегарада божхона назорати ва расмийлаштирувидан ўтказиш учун сарфланадиган вақтни қисқартириш; божхона тартиботларини ўтказиш шароитларини жаҳон стандартларига мувофиқлигини таъминлаш ҳамда чегара божхона постларида назорат органлари томонидан йиғимларни ягона ҳужжат асосида ундириш каби бир қатор вазифаларни бажаришга қаратилган электрон тизим яратилди.

“е-Транзит” автоматлаштирилган ахборот тизимининг мақсади, Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириладиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзда олиб ўтиладиган чет эл товарларнинг жўнатувчи божхона органидан товар келиб тушадиган божхона органигача назоратини амалга ошириш учун декларант томонидан божхона органига тақдим этилган транзит декларациясини электрон кўришда расмийлаштиришдан иборат.

Ушбу автоматлаштирилган ахборот тизими 2022 йилдан бошлаб мамлакатнинг барча божхона постларида амалиётга жорий этилган бўлиб, ўтган қисқа вақт ичида у божхона фаолиятида ўзининг мустақам ўрнига эга бўлди. Ўтган бир йил вақт ичида у орқали 268 156 транзит декларацияси, 61 176 та "11-китоб" ҳужжатлари<sup>66</sup>, 182 120 та бошқа расмийлаштирилишига эришилди. Бугун ушбу тизимсиз божхона назоратини ташкил этиш жараёнини тасаввур этиш қийин.

Транзит декларацияси бир ёки бир нечта товарнинг кузатув ҳужжатлари бўйича ташиладиган товарнинг ҳар бир туркуми ёки товарларнинг бир нечта туркуми учун расмийлаштирилади. Бунда товарнинг бир нечта туркуми бўйича битта транзит декларациясини расмийлаштириш учун улар бир транспорт воситасида битта транспорт ҳужжати билан битта жўнатувчидан битта қабул қилувчининг манзилига ташилаётган бўлиши лозим.

Транзит декларациясининг божхона расмийлаштируви қуйидаги икки босқичда амалга оширилади:

— биринчи босқичда декларацияловчи шахс товарлар бўйича транзит декларациясини жўнатувчи божхона органларига электрон шаклда тақдим

<sup>66</sup> <https://customs.uz/uz/>.

этади. Тақдим этилган транзит декларацияси божхона органларида рўйхатга олиниб, унга давлат назорат органлари томонидан муносабат белгиси қайд этилади ва транзит операцияси бошланади. Бунда, божхона, ветеринария ва фитосанитария органларининг назорат тартиботлари хавфни бошқариш тизимининг топшириғига асосан амалга оширилади;

— иккинчи босқичда божхона транзити божхона режимига расмийлаштирилган товар ва транспорт воситалари белгиланган жойларга етказиб берилади, товар ва транспорт воситаси етказиб берилганлиги факти тасдиқланади ва кузатув ҳужжатлари тақдим этилгандан сўнг товар келиб тушадиган божхона органи томонидан транзит операциялари якунланади.

Транзит декларацияси қуйидаги ҳолларда тақдим этилади:

товарларни божхона ҳудудига олиб киришда ёки божхона ҳудуди орқали транзит олиб ўтишда — товар ва транспорт воситаси божхона чегарасини кесиб ўтгунга қадар ёки кесиб ўтиш вақтида;

божхона ҳудудида турган товарларни божхона назорати остида етказиб беришни назорат қилишда — товарлар транспорт воситасига юкланишидан аввал тақдим этилади;

божхона ҳудудида турган божхона назорати остидаги транспорт воситасини товар сифатида етказиб беришни назорат қилишда — юк операцияларини амалга оширишдан олдин.

Агар транзит декларацияси жўнатувчи божхона органи томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан ўттиз календарь кун ичида унда кўрсатилган товарлар декларация рўйхатга олинган божхона органига тақдим этилмаган бўлса, транзит декларацияси берилмаган деб ҳисобланади ва автоматик тарзда бекор қилинади. Транзит декларацияси «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти томонидан тақдим этилганда, декларацияловчи шахс томонидан тақдим этилган транзит декларацияси жамиятнинг масъул ходими томонидан умумлаштирилади ва битта темир йўл транспорти таркиби доирасида божхона органига ўзига бириктирилган электрон рақамли имзоси орқали тақдим этилади. Бунда транзит декларациясидаги маълумотларнинг тўғрилиги ва унга илова қилинган ҳужжатларга мувофиқлиги учун жавобгарлик декларацияловчи шахсда қолади.

Товар ва транспорт воситаларининг кузатув ҳужжатлари “E-Transit” ААТга “E-архив” интерактив хизмати орқали илова қилинади. Бунда “E-Transit” ААТнинг тегишли майдонига “E-архив” интерактив хизмати орқали ҳужжатларга берилган махсус рақам қўйилади. Декларант ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиси кабинетдаги “E-архив” интерактив хизматидан фойдаланган ҳолда электрон архивни шакллантириб, унга ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаган божхона расмийлаштируви учун тақдим этиладиган ҳужжатларнинг электрон шакллари жойлаштирилади.

Электрон архивга жойлаштирилган ҳужжатларга автоматик тарзда махсус рақам берилади ва бу ҳақда декларантга тасдиқланган электрон хабарнома юборилади. Тизимнинг асосий мақсади юкларни чегара божхона постларида тўпланишининг олдини олиш, тезроқ уларни божхона назорати остида манзилга етиб боришига кўмаклашиш ҳисобланади. Амалга оширилган улкан ишлар ҳамда эришилаётган ютуқлар билан биргаликда келажакда бу борадаги тадбирларни янада мукамал равишда олиб бориш учун қуйидаги тавсиялар берилади:

1. “е-Транзит» автоматлаштирилган ахборот тизими қотиб қолган “догма” бўла олмаслигини ҳисобга олгани ҳолда давлат ва ҳукумат даражасида қабул қилинадиган янги қарорларни дунё иқтисодиётидаги динамик ўзгаришларга мос равишда доимий такомиллашиб бориш.

2. “е-Транзит” автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланишда божхона ходимларининг билим даражаси доимий ошириб борилиши ва тизимнинг янги имкониятларидан самарали фойдаланишни ўрганиб бориш.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Транзит декларациясини тўлдириш, расмийлаштириш, унга ўзгартириш ва қўшимча киритиш, уни қайтариб олиш ҳамда бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида // Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона Қўмитасининг қарори. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 31 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3382. <https://lex.uz/uz/docs/6182772>.

2. Мухторов И.М., Дусмухмедов А.И., Саидов А.А. Автоматизация таможенного транзита: от опыта Европейского союза к практике Республики Узбекистан // Научный журнал «Академический вестник Ростовского филиала Российской Таможенной Академии» № 2(51), 2023. С. 45–51. <https://elibrary.ru/item.asp?id=54250106/>.

3. Dusmukhamedov A., Bokiev E, Saidov A. The study of the transit system of the european union and the features of the information system "e-Transit" of the Republic of Uzbekistan. // Scientific journal « Digital transformation and artificial intelligence », Tashkent, 2023. № 3(5), pp.148–153. Retrieved from <https://dtai.tsue.uz/index.php/dtai/issue/view/v1i3>.

4. “Е-Транзит” автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқиш бўйича ТЕХНИК ТОПШИРИҚ // Идоравий ҳужжат. Давлат божхона қўмитаси Раисининг биринчи ўринбосари, божхона хизмати полковниги И.М.Мухторов томонидан тасдиқланган. 2022 йил. Тошкент. Давлат божхона қўмитаси.

5. “Е-Транзит” автоматлаштирилган ахборот тизимидан самарали фойдаланишни ташкил этиш тўғрисида // Давлат божхона қўмитаси нинг 2022 йил 11 ноябрдаги 12/05-22-02995-сон хати ва унинг 1-, 2-, 3- ва 4-иловалари. 2022 йил. Тошкент. Давлат божхона қўмитаси.

6. <https://www.wcoomd.org/>

7. <https://customs.uz/uz/>